МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ

У.М. ИНОМОВА

Аннотатция. Мактабгача таълим ташкилотларида болаларни мустақил фикрлашини ривожлантириш усулларини ўзига хос бўлган психологик ва педагогик хусусиятларини инобатга олиш болаларни ҳар томонлама ривожланишига асос бўлиб хизмат қилади. Мақолада мактабгача ёшдаги болалар онгининг ҳар томонлама ривожланишининг мустақил фикрлаш жараёнига таъсири ҳақидаги айрим мулоҳазалар келтириб ўтилган.

Таянч сўзлар: мактабгача таълим ташкилоти, педагог, тарбиячи, болалар, ёшлар, интеллектуал, жисмоний, маънавий, инновация, ғоя, лего, пазллар ва ролли ўйинлар.

МЕТОДЫ РАЗВИТИЯ САМОСТОЯТЕЛЬНОГО МЫШЛЕНИЯ У ДЕТЕЙ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА

Аннотация. Учет специфических психолого-педагогических особенностей методов развития самостоятельного мышления детей в дошкольных образовательных организациях служит основой для всестороннего развития детей. В статье приводятся некоторые соображения о влиянии всестороннего развития сознания дошкольников на процесс самостоятельного мышления.

Ключевые слова: дошкольная образовательная организация, педагог, воспитатель, дети, молодежь, интеллектуальные, физические, духовные, инновационные, идеи, лего, пазлы и ролевые игры.

METHODS FOR DEVELOPING INDEPENDENT THINKING IN PRESCHOOL CHILDREN

Annotation. Taking into account the specific psychological and pedagogical features of methods for developing children's independent thinking in preschool educational organizations serves as a basis for the comprehensive development of children. The article

provides some considerations regarding the impact of comprehensive development of preschoolers' consciousness on the process of independent thinking.

Keywords: preschool educational organization, teacher, educator, children, youth, intellectual, physical, spiritual, innovative, ideas, Lego, puzzles and role-playing games.

Бугунги кунда мамлакатимизда мактабгача таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг бош мақсади - ҳар бир боланинг интеллектуал, жисмоний ва маънавий ривожланиши учун илк ёшданоқ мустаҳкам пойдевор яратиш ҳамда боғча қамровини максимал даражага етказишдир. Қолаверса, амалга оширилаётган ислоҳотлар ва олиб борилаётган давлат сиёсатининг асл моҳияти, пировард мақсади ҳам халқимизнинг дарду ташвишлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг моддий фаровонлигини ошириш, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини ҳамда муносиб турмуш даражасини таъминлашдан иборатдир.

Охирги йилларда мактабгача таълим тизимни тубдан модернизация қилиш бўйича қатор стратегик қадамлар ташланди:

биринчидан, қамров даражаси ва инфратузилманинг кескин ўсиши, яъни, болалар қамрови 78 фоизга етди: Ислоҳотлар бошлангунга қадар (2017 йилда) бу кўрсаткич атига 27,7 фоизни ташкил этган бўлса, олиб борилган ишлар натижасида ҳозирда 78 фоизга етказилди. Яқин истиқболдаги мақсад эса бу кўрсаткични 80 фоиздан оширишдир;

иккинчидан, мактабгача таълим ташкилотлари сони 39 мингдан ошди, яъни, тармоқда айниқса нодавлат сектор ўсиши кузатилди. Бугунги кунда тизимдаги боғчаларнинг 29 мингдан зиёди айнан оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлар ҳиссасига тўғри келмоқда;

учинчидан, давлат-хусусий шериклик ва оилавий боғчалар борасида, яъни, хусусий секторни рағбатлантириш мақсадида тадбиркорларга имтиёзли кредитлар ва субсидиялар ажратилмоқда. Фақатгина 2026 йилнинг ўтган даври ичида давлат-

хусусий шериклик ва оилавий боғчалар модели ҳисобига тизимда 56 мингдан ортиқ янги бола ўринлари яратилди;

тўртинчидан, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва мажбурий тайёрлов соҳасида, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилалар фарзандларини мактабгача таълим билан тўлиқ қамраб олиш бўйича алоҳида давлат дастурларини амалий фаолиятга татбиқ этилганлиги;

бешинчидан, 6 ёшли болаларни мактаб таълимига мажбурий бир йиллик бепул тайёрлаш тизими йўлга қўйилди. Эндиликда давлат боғчалари билан бир қаторда нодавлат таълим ташкилотларига ҳам бундай тайёрлов гуруҳларини очишга рухсат берилганлиги;

олтинчидан, сифат ва кадрлар салоҳиятини ошириш борасида, боғчаларда нафақат бино ва шароит, балки таълим мазмуни ҳам янгиланмоқда. Жаҳон банки билан ҳамкорликдаги лойиҳалар доирасида минглаб мактабгача таълим ташкилотлар замонавий ўйин майдончалари, интеллектуал ривожлантирувчи дидактика ва мебеллар билан жиҳозланмоқда;

еттинчидан, олий маълумотга эга бўлмаган, лекин тизимда ишлаётган тарбиячилар учун ишдан ажралмаган ҳолда, дуаль таълим шакли асосида бакалавр даражасини олиш тизими жорий этилмоқда [1].

Ушбу соҳадаги ислоҳотлардан келиб чиқиб, давлатнинг асосий мақсади - боғча ёшидаги ҳар бир болани сифатли, замонавий ва хавфсиз тарбия муҳити билан таъминлаш орқали уларни катта ҳаётга ва мактабга тайёрлашдир.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, юртбошимиз Шавкат Мирзиёев 2026 йил 4 февраль куни мактабгача таълим ва тарбия тизимини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар тақдимоти билан танишиш жараёнида қуйидаги фикрларни келтириб ўтдилар, яъни, "мактабгача таълим боланинг интеллектуал, ижтимоий ва маънавий ривожланишида ҳал қилувчи босқич ҳисобланади. Шунинг учун ушбу соҳада қамровни кенгайтириш, таълим сифатини ошириш ва хусусий сектор иштирокини рағбатлантириш бўйича изчил ислоҳотлар амалга оширилиб

келинмоқда. Натижада мамлакатимизда мактабгача таълим билан қамров 78 фоизга етди.

Шу билан бирга, қамровни 80 фоизга етказиш учун янги боғча ўринларини яратиш талаб этилади, 39 та туман ва шаҳарда эса боғча қамрови 70 фоиздан паст даражада қолмоқда. Шунингдек, давлат боғчаларида педагогларнинг 61 фоизи, нодавлат боғчаларда эса 76 фоизи ўрта махсус маълумотга эгалиги кадрлар салоҳиятини янада ошириш долзарб масала эканини кўрсатмоқда.

Жумладан, бир йиллик мактабга тайёрлов гуруҳларининг таълим дастури мажбурий умумий ўрта таълимнинг дастлабки босқичи сифатида жорий этилади. Бунда болаларни мактаб таълимига пухта тайёрлаш, таълимда узлуксизликни таъминлаш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Мактабгача таълим тизимида ўйинга асосланган таълим модели жорий этилиб, боланинг табиий қобилияти ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда таълим-тарбия жараёни ташкил қилинади. Илғор хорижий тажрибалар асосида ўқув муҳити янгиланади.

Шунингдек, “Янги авлод” мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини шакллантириш режалаштирилган. 2026-2028 йилларда ҳар бир ҳудудда 120 ўринли “Янги авлод” давлат боғчалари ҳамда уларнинг таркибида Болаларни ривожлантириш инновацион марказлари ташкил этилади. Мазкур боғчаларда қўшимча раҳбар ҳамда тарбиячи-йўриқчи штатлари жорий қилиниб, раҳбар ва педагог ходимларга тариф ставкасига нисбатан 20 фоиз миқдорида ҳар ойлик устама тўланади.

Мактабгача ва умумий ўрта таълим хизматларини кўрсатувчи нодавлат таълим ташкилотларига ҳам бир йиллик мактабга тайёрлов гуруҳларини ташкил этишга рухсат берилади. Бу орқали таълим хизматлари бозорида соғлом рақобатни кенгайтириш ва қамровни ошириш мақсад қилинган.

Кадрлар тайёрлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. 2026-2027 ўқув йилидан бошлаб педагогика олий таълим ташкилотларида мактабгача ва бошланғич таълим йўналишлари бўйича таълим дастурлари халқаро илғор

тажрибаларга мос равишда такомиллаштирилади. Шу билан бирга, амалда ишлаб келаётган ўрта махсус маълумотли педагог кадрлар учун дуал таълим (“5+1”) асосида бакалаврлар тайёрлаш тизими жорий этилади.

2027-2028 ўқув йилидан бошлаб мактабга тайёрлов гуруҳларида таълим-тарбия олган болаларга давлат намунасидаги электрон сертификат берилиши, мазкур маълумотлар умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатномада қайд этилиши кўзда тутилмоқда.

Мактабгача таълим соҳасида хусусий сектор иштирокини кенгайтириш мақсадида қамров даражаси 80 фоиздан паст бўлган туман ва шаҳарларда (Тошкент шаҳри бундан мустасно) тадбиркорлар учун қатор қўллаб-қувватлаш чоралари жорий этилади.

Жумладан, мактаб ва боғчалар ҳудудидаги бўш ер майдонларида давлат-хусусий шериклик асосида боғчалар ташкил этилганда, ижара тўловлари 30 йилгача ундирилмайди. Шунингдек, ҳар бир тарбияланувчи учун давлат боғчаларида бир болага тўғри келадиган харажатнинг 50 фоизи миқдорида субсидия ажратилади. Ушбу тартиб 2024 йилдан ташкил этилган нодавлат боғчаларга ҳам татбиқ этилади.

Қамров даражаси паст ҳудудларда боғча ва мактабдан ташқари жойларда қуввати камида 150 ўринли нодавлат боғчалар ташкил этилса, 7 йилгача муддатга 5 миллиард сўмгача имтиёзли кредитлар ажратилади. Шу билан бирга, тарбиячиларга ойлик иш ҳақи тўлаш харажатлари давлат боғчаларида белгиланган меъёрлар асосида уч йил давомида қоплаб берилади. Ҳар 30 нафар болага бир нафар тарбиячи штати ҳисобланади.

Мазкур имтиёзлар янги кўп квартирали уйларнинг биринчи қаватида ташкил этиладиган хусусий боғчаларга ҳам татбиқ этилади.

Бундан ташқари, 2030 йил 1 январга қадар қуввати 150 ўриндан кам бўлмаган нодавлат боғчалар ташкил этган тадбиркорлар учун ижтимоий солиқ ставкаси бўйича енгилликлар берилади.

Давлатимиз раҳбари тақдим этилган таклифларни ҳар томонлама пухта ишлаб чиқиш, уларни босқичма-босқич жорий этиш ҳамда мактабгача таълим сифатини

ошириш орқали болаларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун мустаҳкам асос яратиш муҳимлигини таъкидлади"[2].

Мактабгача ёшдаги болаларда мустақил фикрлашни ривожлантириш - уларнинг шахс сифатида шаклланиши ва келажакдаги муваффақияти учун муҳим пойдевор ҳисобланади. Бу ёшдаги болалар асосан ўйин ва фаол мулоқот орқали фикрлайди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, мактабгача ёшдаги болаларда мустақил фикрлашни ривожлантириш усулларига қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин, яъни:

биринчидан, болага "Ҳа" ёки "Йўқ" деб жавоб берадиган эмас, балки "Нима учун?", "Бу қандай бўлди деб ўйлайсан?", "Буни яна қандай қилса бўлади?", "Сени фикрининг қандай?" каби фикрлашга ундайдиган очиқ саволлар бериш.

иккинчидан, боланинг олдига кичик бир муаммо қўйиш ва уни ўзи ечишига имкон бериш (масалан: "Бино қуришимиз керак, лекин бу деталлар етмаяпти, нима қилсак экан?") мазмундаги муаммоли вазиятларни яратиш;

учинчидан, боланинг фикрини бўлмасдан эшитиш, унинг билдирган фикрларини эътиборга олиш ва ҳурмат қилиш, фикрини асослаб беришга ўргатиш каби бола билан самимий мулоқот ва суҳбат қуриш;

тўртинчидан, тезкор фикрлаш, таққослаш, нарсаларни гуруҳлаш ва лойиҳалашга қаратилган мантиқий ва ижодий ўйинлардан фойдаланиш (Лего, пазллар, ролли-ўйинлар).

Эслатма: **Лего, пазллар ва ролли ўйинлар** - бу болалар ҳамда катталарнинг интеллектуал, ижодий ва ижтимоий қобилиятларини ривожлантирувчи, дунёда энг оммабоп бўлган **уч хил турдаги ўйин ва машғулотлардир**. Уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга.

1. Лего (LEGO) нима?. Лего - бу турли ўлчамдаги пластик ғиштчалар (деталлар), фигуралар ва бошқа қисмларни бир-бирига улаш орқали турли объектларни қуриш имконини берувчи конструктор ўйинидир. Хусусияти: Тайёр қўлланма асосида (машина, уй, робот) ёки мутлақо ўз фантазиясига таяниб

бирор нарса ясаш мумкин. **Фойдаси:** Болаларда нозик моторика (қўл бармоқлари ҳаракати), мантиқий ва фазовий фикрлаш, муҳандислик кўникмаларини ривожлантиради.

2. Пазллар (Puzzles) нима?. Пазл - бу бирорта яхлит тасвир (расм)ни ҳосил қилиш учун майда, турли шаклдаги бўлакларни тўғри кетма-кетликда бир-бирига мослаб териш ўйинидир.Хусусияти: Оддий 2D (ясси) расмли пазллардан тортиб, 3D (ҳажмли) ва ҳатто Лего деталларидан иборат махсус пазл-конструкторлар ҳам мавжуд. **Фойдаси:** Диққатни жамлашни, сабрга таянишни, визуал хотирани ва деталларга эътибор беришни ўргатади.

3. Ролли ўйинлар (Role-playing games) нима?. Ролли ўйинлар - бу иштирокчилар маълум бир қаҳрамон (рол) образига кириб, ўша қаҳрамон номидан ҳаракат қиладиган ва маълум бир вазиятни (сценарийни) жонлантирадиган ўйинлардир. Хусусияти: Болалар учун бу "шифокор-бемор", "сотувчи-ҳаридор" ёки севимли мультфильм қаҳрамонлари ўйини бўлиши мумкин. Улар бунда кўпинча Лего фигураларидан ҳам фойдаланишади. Катталар учун эса бу махсус стол усти ўйинлари (масалан, *Dungeons & Dragons*) ёки компьютер ўйинлари (RPG) шаклида бўлади. **Фойдаси:** Жамиятда мулоқот қилишни, ҳис-туйғуларни тушунишни (эмпатия), муаммоларни ижодий ҳал қилишни ва нутқни ривожлантиради;

бешинчидан, ҳикоя тўқиш ва эртакларни ўзгартириш, яъни, таниш эртакнинг давомини ёки якунини болага ўзгартириб айтиб беришни ёки янги воқеа тўқишни таклиф қилиш;

олтинчидан, табиат қўйнида ёки хонада оддий тажрибалар ва кузатувлар ўтказиш (масалан: сувнинг музлаши, ўсимликнинг ўсиши) ва боланинг ўзи хулоса қилишига ёрдам бериш;

еттинчидан, болага ҳар кунлик кичик танловларни ўзи қилишига рухсат бериш ва уларни танлаб олиш имкониятини яратиш (кийим танлаш, расм чизишда ранг танлаш, ўйинчоқ танлаш).

Хулоса қилиб айтганда, ёшлар - инновациялар, ғоя ва ечимларнинг битмас-туганмас манбаи. Бугунги кунда ёшлар фаоллиги ҳар қачонгидан ҳам муҳим, зеро, улар жамият тараққиётини ҳаракатлантирувчи асосий кучдир. Шу сабаб, келажагимиз эгалари бўлган ёшларимизнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг орзу-интилишлари, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши бўлиб, бу йўлда кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўламиз.

Юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳеч қачон тўхтаб қолмайди, ҳусусан, мактабгача таълим ташкилотларида таълим-тарбия олаётган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга янада кўпроқ имконият ва шароитлар яратиш борасида янгича ёндашувлар асосида ислоҳотларни янада такомиллаштириш ишлари мактабгача таълим ташкилотлари зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни ўз вақтида, тўлақонли ва сифатли бажарилишини таъминлайди.

Мақоламизни 2026 йил 14 октябрь куни Президентимизга Тошкентдаги маҳаллалар ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш лойиҳалари тақдимоти бўлиб ўтди. Тақтимотда Тошкент шаҳарида 3-7 ёшли болалар сони 253 мингтани ташкил этади. Уларнинг мактабгача таълим билан қамрови 79,2 фоиз, боғчалардаги ўринлар танқислиги эса 65 мингта. Шу боис, 2030 йилгача республика бюджети ҳисобидан 8 мингта, маҳаллий бюджет ҳисобидан 32 мингта қўшимча боғча ўрни яратиш режалаштирилмоқда. Натижада 2030 йилда қамров 92 фоизга етказилади. 2026-2027 ўқув йили учун эса умумий майдони 32 минг квадрат метр бўлган, жами 16 минг ўринли 28 та янги боғчанинг беш турдаги лойиҳалари тайёрланган.

Боғчаларнинг намунавий лойиҳасига болалар ривожланиши ва саломатлигига хизмат қилувчи 14 та янги ечим киритилмоқда. Уларда сенсор ва логопед хоналари, психологик-педагогик ёрдам кўрсатиш жойлари, тиббий блок, турли машғулотларга мослаштириладиган заллар бўлади. Болалар хавфсизлиги учун видеокузатув ва жароҳатдан ҳимояловчи қопламалар, қулай муҳит яратиш учун ҳаво тозалагичлар,

шунингдек, энергия тежамкор ёритиш ва қуёш панеллари кўзда тутилган. Бу орқали намунавий лойиҳалар самарадорлиги 38 фоизга оширилади.

Президентимизнинг ушбу фикрларидан кўриниб турибдики, боғча ёшидаги болаларга кўрсатилаётган саъй-ҳаракатлар уларга бўлган ғамхўрликдан далолат беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. https://www.google.com/search?q (мурожаат қилинган сана: 15.10.2026 йил).
2. https://president.uz/uz/lists/view/8903 (мурожаат қилинган сана: 15.10.2026 йил).
3. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида маҳаллаларни ободонлаштириш, янги мактаб ва боғчалар қуриш ҳамда шаҳар муҳитини ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар тақдимоти билан танишди // https://president.uz/uz/lists/view/9714 (мурожаат қилинган сана: 16.10.2026 йил).